

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

16-сон
(100)
2004 й.
апрель

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Учинчи бўлим

185. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Катта ва алоҳида мухим сув хўжалиги обьектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси («Давсувхўжаликназорат» инспекцияси) фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 апрелдаги 186-сон қарори
186. «2004-2005 йилларда маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури лойиҳаларини амалга ошираётган корхоналарнинг раҳбарларини ва муҳандис-техник ходимларини рафбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 апрелдаги 190-сон қарори
187. «Маҳсулотларни кимошли савдоларида сотиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 апрелдаги 193-сон қарори
188. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги 196-сон қарори
189. «Карз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни хисобга олиш ти-

зимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги 197-сон қарори

Бешинчи бўлим

190. «Аудиторлик малакавий сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 26 февралдаги 34-сон буйруфи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 19 апрелда 977-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
191. «Радиация натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган касалликлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2004 йил 27 февралдаги 4, 75-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 19 апрелда 1340-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
192. «Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 13 марта даги 6 / 12-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 апрелда 992-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
193. «Жисмоний шахслар томонидан нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги ўриқномага ўзгаришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 24 марта даги 126-В-3, 01-02 / 12-18-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 21 апрелда 716-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
194. «Энергетик корхоналар учун ёнгин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Ички ишлар вазирлиги ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармасининг 2004 йил 12 марта даги 107, 29 / 9-120-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 22 апрелда 1341-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
195. «Т-6 шаклидаги божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги ўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 24 марта даги 01-02 / 12-19-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 23 апрелда 1342-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги мебёрий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш холати тўғрисида 2004 йил 17 апрелдан 23 апрелгача бўлган маълумот

УЧИНЧИ БҮЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

185 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси («Давсувхўжаликназорат» инспекцияси) фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолати ҳамда бехатар ишлаши устидан назоратни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Қўйидагилар:

катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари техник ҳолатининг ишончлилиги ҳамда уларнинг бехатар ишлаши таъминланиши;

катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари лойиҳалаштирилиши, қурилиши, улардан фойдаланилиши, уларнинг реконструкция қилиниши ва таъмирланиши, шу жумладан лойиҳалар экспертизаси ташкил этилиши, қурилиш сифатининг ва фойдаланишга қабул қилиб олишнинг назорат қилиниши;

катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг ишончли қўрикланиши ташкил этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси («Давсувхўжаликназорат» инспекцияси) фаолиятининг асосий вазифалари этиб белгилансин.

2. Қўйидагилар:

«Давсувхўжаликназорат» инспекциясининг ташкилий тузилмаси ва марказий аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси («Давсувхўжаликназорат» инспекцияси) тўғрисидаги низом З-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. «Давсувхўжаликназорат» инспекцияси марказий аппарати ходимларининг чекланган умумий сони 17 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 12 нафар этиб белгилансин.

«Давсувхўжаликназорат» инспекцияси бошлиғига, зарурият бўлганда, ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида «Давсувхўжаликназорат» инспекцияси марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритиш хуқуки берилсан.

4. Қўйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолати-

ни ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси («Давсувхўжаликназорат» инспекцияси)ни ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1999 йил 30 марта 143-сон қарори 1-бандининг учинчи, тўртинчи хатбоши, қарорнинг 2-банди ва қарорга 2 ва 3-иловалар;

Вазирлар Маҳкамасининг «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 16 ноябрдаги 499-сон қарорига 3-илованинг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1999 й., 11-сон, 66-модда) ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 20 апрель,
186-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 20 апрелдаги 186-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Катта ва алоҳида муҳим сув ҳўжалиги объектларининг техник
ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат
инспекцияси («Давсувхўжаликназорат» инспекцияси)нинг
ташкилий тузилмаси**

«Давсувхўжаликназорат» инспекцияси

Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий
инспекторлар

Инспекторлар — 13 киши
Ишлаб чиқариш ходимлари — 13 киши
Ёрдамчи ходимлар — 13 киши

Худудий бўлинмалар ходимларининг чекланган сони 3 кишидан, шу жумладан бошқарув ходимлари 1 кишидан иборат.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 20 апрелдаги 186-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги
Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник
ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат
инспекцияси («Давсувхўжаликназорат» инспекцияси) марказий
аппаратининг тузилмаси**



Марказий аппарат ходимларининг чекланган умумий сони — 17 киши,
шу жумладан бошқарув ходимлари — 12 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 20 апрелдаги 186-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги
Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник
ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат
инспекцияси («Давсувхўжаликназорат» инспекцияси) тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда «Давсувхўжаликназорат» инспекцияси деб аталади) гидротехника иншоотлари хавфсизлиги устидан давлат назорати соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат бошқарув органи ҳисобланади.

«Давсувхўжаликназорат» инспекцияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

2. «Давсувхўжаликназорат» инспекцияси тизимига маҳаллий давлат бошқарув органларидан мустақил бўлган ва бевосита «Давсувхўжаликназорат» инспекциясига ҳисоб берадиган худудий инспекторлар киради.

3. «Давсувхўжаликназорат» инспекцияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қиласи.

4. «Давсувхўжаликназорат» инспекцияси ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, ҳукукни муҳофаза қилиш органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. «Давсувхўжаликназорат» инспекцияси ва унинг худудий бўлинмаларининг моддий-техник таъминоти, шунингдек «Давсувхўжаликназорат» инспекцияси тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш «Давсувхўжаликназорат» инспекциясига ажратиладиган маблағлар доирасида давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

6. «Давсувхўжаликназорат» инспекцияси юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган мухрга эга бўлади.

**II. «Давсувхўжаликназорат» инспекциясининг вазифалари
ва функциялари**

7. Қўйидагилар:

катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари техник ҳолатининг ишончлилиги ва уларнинг бехатар ишлаши таъминланиши;

катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг лойиҳалаштирилиши, қурилиши, улардан фойдаланилиши, уларнинг реконструкция қилиниши ва таъмирланиши, шу жумладан лойиҳалар экспертизаси ташкил этилиши, қурилиш сифатининг ва фойдаланишга қабул қилиб олишнинг назорат қилиниши;

кatta va aloxiда muхim сув хўжалиги объектларининг ишончли қўриқланиши ташкил этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш «Давсувхўжаликназорат» инспекциясининг асосий вазифалари ҳисобланади.

8. «Давсувхўжаликназорат» инспекцияси ўзига юклangan вазифаларнинг бажарилиши учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда капиталлiği I, II, III класс бўлган гидротехника иншоотларининг техник ҳолати ҳамда бехатар ишлаши билан боғлиқ ҳодисаларнинг олдини олишга доир таклифларни ишлаб чиқади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда гидротехника иншоотлари техник ҳолатининг ишончлилигини ҳамда бехатар ишлашини экспертизадан ўтказади;

гидротехника иншоотларининг техник ва хавфсизлик ҳолатининг ишончлилиги билан боғлиқ идоралараро ва давлатлараро комиссиялар ишида қатнашади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлик қоидалари ва мезонлари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини ташкил этади;

гидротехника иншоотларини жойлаштиришда, гидротехника иншоотларини лойихалаш учун топшириқларни келишишда, уларни куриш ва реконструкция қилиш лойихаларини келишишда, гидротехника иншоотларини қуриш сифатини назорат қилишда, уларни фойдаланишга қабул қилишда, шунингдек гидротехника иншоотларидан фойдаланиш қоидаларини келишишда қатнашади;

хўжалик фаолиятини ёки бошқа фаолиятни амалга ошириш учун гидротехника иншоотлари худудлари, дарёлар ўзанлари ва уларга туташ тўfonнинг қуи ва юқори худудларидан (сув муҳофазаси зоналарида ер участкалари бериш бундан мустасно) фойдаланиши келишади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасида норматив-хуқуқий хужжатлар лойихаларини ишлаб чиқиша қатнашади;

гидротехника иншоотларининг ҳолатини ва улар ҳолатининг хавфсизлик декларацияларига мувофиқлигини текширишни ташкил этади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлик декларацияларини белгилangan тартибда тасдиқлади;

гидротехника иншоотларининг техник ҳолатини натурада кузатиш ва диагностикани амалга оширади;

гидротехника иншоотларининг кадастрини юритади;

ваколатли органларга сув муҳофазаси зоналарини, сув омборлари, дарёлар, каналлар ва коллекторларнинг кирғокбўйи полосаларини белгилаш ишларини ташкил этишда кўмаклашади, ушбу зоналар ва полосаларга қўйиладиган талабларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

республиканинг тегишли вазирликлари ва идоралари билан биргаликда давлатлараро ва чегарабўйи сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш масалаларини чегарадош давлатлар билан тартибга солища қатнашади.

9. «Давсувхўжаликназорат» инспекцияси ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ўзига бўйсунувчи худудий инспекторлар орқали ҳал қиласди.

III. «Давсувхўжаликназорат» инспекциясининг хуқуқлари ва жавобгарлиги

10. «Давсувхўжаликназорат» инспекцияси ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги хуқуқларга эга:

гидротехника иншоотларига белгиланган тартибда кириш, гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги ва техник назоратни ташкил этиш масалаларига доир материаллар билан танишиб чиқиш;

ўз ваколати доирасида ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда гидротехника иншоотларидан фойдаланилиши, уларнинг техник ва хавфсизлик ҳолати устидан назоратни амалга ошириш учун вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалири, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ишини текшириш;

гидротехника иншоотлари техник ҳолатининг ишончлилиги, улардан фойдаланиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар бўйича вазирликлар ва идораларнинг, шунингдек, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг маърузаларини, ахборотларини ва хабарларини эшитиш;

тегишли вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлардан гидротехника иншоотлари техник ҳолатининг ишончлилиги, улардан фойдаланиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар бўйича меъёрий ҳужжатлар, тадбирлар режалари, бўйруқлар, йўрикномалар, ҳужжатлар, маълумотлар ва материалларни талаб қилиш ва олиш, зарурият бўлганда, республиканинг тегишли вазирликлари ва идоралари мутахассисларини жалб қилиш;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида ёзма кўрсатмалар бериш, шунингдек гидротехника иншоотлари хавфсизлиги нормалари ва қоидалари қўпол равиша бузилган ҳолларда хавфлилиги юқори бўлган обьектлар жумласига кирувчи гидротехника иншоотларини лойихалаштириш, куриш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш тўғрисида таклифлар киритиш;

сув ҳўжалиги обьектларидан фойдаланиш ёхуд дарёлар ўзанлари ва уларга туташ тўғоннинг қуий ва юқори худудларида ҳўжалик фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга ошираётган ташкилотлар фаолиятини, агар мазкур фаолият гидротехника иншоотларининг хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, белгиланган тартибда тақиқлаш ёки чеклаш.

«Давсувхўжаликназорат» инспекцияси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. «Давсувхўжаликназорат» инспекцияси ўзига юкланган вазифаларнинг сармали бажарилиши учун жавоб беради.

12. «Давсувхўжаликназорат» инспекциясининг мансабдор шахслари ва унинг худудий инспекторлари ўз хизмат вазифаларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

IV. «Давсувхўжаликназорат» инспекцияси фаолиятини ташкил этиш

13. «Давсувхўжаликназорат» инспекциясига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ бошчилик қиласи.

«Давсувхўжаликназорат» инспекцияси ходимлари мақомига ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича:

бошлиқ — вазирга;

бошқарув аппарати катта мутахассислари — вазирликларнинг мустақил бошкармаси бошлиқларига;

мутахассислар — вазирликларнинг бўлим бошлиқларига;

худудий инспекторлар — вилоят ҳокимликларининг тегишли мустақил бўлимлари раҳбарларига тенглаштирилади.

14. «Давсувхўжаликназорат» инспекцияси бошлиғи:

«Давсувхўжаликназорат» инспекцияси фаолиятига якка бошчилик асосида умумий раҳбарлик қилади, «Давсувхўжаликназорат» инспекциясига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

«Давсувхўжаликназорат» инспекцияси марказий аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритади, штат жадвалини, шунингдек «Давсувхўжаликназорат» инспекцияси марказий аппарати хаяжатлари сметасини тасдиқлади;

«Давсувхўжаликназорат» инспекцияси марказий аппарати ходимларини, ҳудудий инспекторларни белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

Бошлиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. «Давсувхўжаликназорат» инспекциясида йирик гидротехника ва бошқа мухандислик иншоотларини лойихалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги етакчи мутахассислардан иборат Эксперт кенгashi тузилади.

«Давсувхўжаликназорат» инспекциясининг бошлиғи лавозимига кўра Эксперт кенгашининг раиси хисобланади. Эксперт кенгашининг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилади.

Эксперт кенгashi гидротехника иншоотларидан бехатар фойдаланиш ва уларнинг ишончли ишлашининг энг муҳим масалаларини кўриб чиқади, гидротехника иншоотларининг барқарор ва бехатар ишлаши учун уларни реконструкция қилиш ва қайта жиҳозлаш бўйича кечикириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш юзасидан тавсияномалар беради.

Эксперт кенгашининг қарорлари, қоидага кўра, «Давсувхўжаликназорат» инспекцияси бошлигининг бўйруқлари билан амалга оширилади.

Эксперт кенгashi мажлисларига алоҳида вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг манфаатларига тегишли масалаларни ҳал қилиш учун уларнинг вакиллари таклиф этилади.

16. «Давсувхўжаликназорат» инспекциясининг инспекторлари гидротехника иншоотларининг техник ҳолати ва бехатар ишлаши устидан назорат ўрнатиш юзасидан жойларда ўз фаолиятини «Давсувхўжаликназорат» инспекцияси томонидан тасдиқланган тадбирларга мувофиқ амалга оширадилар.

17. «Давсувхўжаликназорат» инспекциясини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

186 2004-2005 йилларда маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури лойиҳаларини амалга ошираётган корхоналарнинг раҳбарларини ва муҳандис-техник ходимларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури лойиҳаларини амалга ошираётган корхоналарнинг раҳбарларини ва муҳандис-техник ходимларини рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **карор қиласди**:

Белгилаб қўйилсинки:

Маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишда қатнашганлиги учун корхоналар бошқарув ходимларини ва муҳандис-техник ходимларни моддий рағбатлантириш бир марта тўланадиган мукофотлар тарзида амалга оширилади;

бир марта тўланадиган мукофотлар ҳар бир йил якунларига кўра Маҳаллийлаштириш дастурининг маҳаллийлаштириш даражаси, ишга туширилаётган қувватлар ва ишлаб чиқариш ҳажмлари бўйича корхона учун белгиланган параметрлар бажарилган тақдирда тўланади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 14 январдаги 18-сон қарорининг 5-бандига мувофиқ солиқлар ва божхона тўловларидан озод қилиш ҳисобига корхоналар ихтиёрида қоладиган пул маблағларининг бир кисми бир марта тўланадиган мукофотларни тўлаш манбаи ҳисобланади;

бир марта тўланадиган мукофотни тўлашга йўналтириладиган маблағлар (шу жумладан ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов) солиқлар ва божхона тўловларидан озод қилиш натижасида бўшайдиган маблағлар суммасининг 15 фоизидан ошмаслиги керак.

2. 2004-2005 йилларда маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури лойиҳаларини амалга ошираётган корхоналарнинг раҳбарларини ва муҳандис-техник ходимларини рағбатлантириш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив-хукуқий хужжатларга ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзgartириш ва қўшимчалар киритсан.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 21 апрель,
190-сон

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 21 апрелдаги 190-сон қарорига
ИЛОВА

**2004-2005 йилларда маҳаллий хом ашё негизида тайёр
маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб
чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури лойиҳаларини амалга
ошираётган корхоналарнинг раҳбарларини ва муҳандис-техник
ходимларини рағбатлантириш тўғрисида
НИЗОМ**

1. Ушбу Низом 2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини муваффақиятли амалга ошираётган корхоналарнинг раҳбарлари ни ва муҳандис-техник ходимларини рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 14 январдаги 18-сон қарорига 1—4-иловаларга киритилган корхоналарга татбиқ этилади.

3. Бир марта тўланадиган мукофотлар тарзидағи моддий рағбатлантириш корхоналарнинг бошқарув ходимларига (раҳбарлар ва бошқарув ходимлари мутахассисларига) ва муҳандис-техник ходимларига нисбатан амалга оширилади. Моддий рағбатлантириш қўлланадиган лавозимлар рўйхати корхонанинг юқори бошқарув органи томонидан белгиланади.

4. Бир марта тўланадиган мукофотлар ҳар бир йил якунларига кўра Маҳаллийлаштириш дастурининг маҳаллийлаштириш даражаси, ишга туширилаётган кувватлар ва ишлаб чиқариш ҳажмлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 январдаги 18-сон қарорига 1—4-иловаларда назарда тутилган параметрлари бажарилган тақдирда тўланади.

5. Кўрсатиб ўтилган қарорнинг 5-бандига мувофиқ солиқлар ва божхона тўловларидан озод қилиш хисобига корхоналар ихтиёрида қоладиган пул маблағларининг бир қисми бир марта тўланадиган мукофотларни тўлаш манбаи хисобланади.

Бир марта тўланадиган мукофотни тўлашга йўналтириладиган маблағлар (шу жумладан хисобланган ягона ижтимоий тўлов) солиқлар ва божхона тўловларидан озод қилиш натижасида бўшайдиган маблағлар суммасининг 15 фоизидан ошмаслиги керак. Бунда 1 нафар ходим хисобига бир марта тўланадиган мукофотлар суммаси ойлик лавозим маоши микдорининг 6 бараваридан ошмаслиги керак.

6. Йил якунига кўра бир марта тўланадиган мукофотни ходимлар ўртасида тасмилаш корхона раҳбари тақдимига кўра, ҳар бир ходимнинг Маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишдаги шахсий хиссасини ва меҳнатдаги иштирокини хисобга олган ҳолда корхонанинг юқори бошқарув органи томонидан амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 январдаги 18-сон қарорининг 5-бандига мувофиқ солиқлар ва божхона тўловларидан озод қилиш хисобига корхона томонидан олинган маблағларнинг қолган суммасидан тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширища белгиланган тартибда мақсадли фойдаланилади.

8. Ушбу Низомга мувофиқ бир марта тўланадиган мукофотлар (шу жумладан хисобланган ягона ижтимоий тўлов) суммаси даромад (фойда) солиғини хисоблашда солиқ солинадиган базага киритилмайди.

9. Солиқлар тўлашдан озод қилинадиган маблағлар хисобига бошқарув ходимларига ва муҳандис-техник ходимларга бир марта тўланадиган мукофотларни тўлашга

йўналтириладиган маблағларнинг тўғри хисобланишини назорат қилиш давлат солиқ хизмати органидан амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

187 Махсулотларни кимошди савдоларида сотиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида

Юқори ликвидли маҳсулотларни кимошди савдолари орқали эркин алмаштириладиган валютага экспортга сотиш ҳажмларини кенгайтириш ҳамда механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. 2004 йилда ихтисослаштирилган «Ўзаукционсавдо» ташкилотининг кимошди савдоларида белгиланган тартибда сотиш учун мўлжалланган юқори ликвидли маҳсулотлар номенклатураси ва ҳажмлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарлари:

1-иловага мувофиқ маҳсулотларнинг савдога қўйилишини, ўз вақтида контрактлар ва шартномалар тузилишини, шунингдек кейинчалик маҳсулотлар етказиб берилишини;

2003 йилда ўтказилган кимошди савдолари якунларига кўра тузилган контрактлар бўйича маҳсулотлар тўлиқ ҳажмда юклаб жўнатилишини таъминласинлар.

3. Қўйидагилар:

Юқори ликвидли маҳсулотларнинг айрим турларини кимошди савдосида кафолатли ҳажмларда сотиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Юқори ликвидли маҳсулотларнинг айрим турларини сотиш бўйича кимошди савдоларини ташкил этиш кенгаши таркиби 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ихтисослаштирилган «Ўзаукционсавдо» ташкилотига 2004 йилдан бошлаб 1-иловада назарда тутилмаган товарларни маҳсулот ишлаб чиқарувчилар буюртманалари асосида кимошди савдоларида сотишга рухсат этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси кимошди савдолари якунларига кўра тузилган экспорт контрактлари хисобга қўйилишини, шунингдек экспорт қилинадиган товарларнинг божхонада расмийлаштирилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатлари мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Э.М. Фаниев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 22 апрель,
193-сон

* 3-илова берилмайди.

Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 22 апрелдаги 193-сон қарорига
1-ИЛОВА

**2004 йилда ихтисослаштирилган «Ўзаукционсавдо» ташкилотининг
кимошди савдоларида сотиш учун мўлжалланган юқори ликвидли
маҳсулотлар номенклатураси ва ҳажмлари**

Т/р	Етказиб берувчининг номи	Маҳсулот номи	ТИФ ТН коди	Ўлчов бирлиги	Жами	шу жумладан:		
						II чоракда	III чоракда	IV чоракда
1.	«Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари	пахта толаси	5201	тонна	15000	10000	—	5000
2.	«Олмалиқ КМК» ОАЖ	тозаланган мис	7403	тонна	4000	2000	1000	1000
3.	«Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси	қора металлар прокати	7201-7228	тонна	2000	1000	500	500
4.	«Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси	пахта шроти	230610000	тонна	10000	5000	—	5000

Изоҳ. Товарларни савдога қўйиш санаси ва номенклатураси бозор конъюнктурасига қараб Юқори ликвидли маҳсулотларнинг айрим турларини сотиш бўйича кимошди савдоларини ташкил этиш кенгashi қарорига кўра белгиланади.

Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 22 апрелдаги 193-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Юқори ликвидли маҳсулотларнинг айрим турларини кимошли
савдосида кафолатланган ҳажмларда сотиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 22 июндаги 263-сон қарорига мувофиқ юқори ликвидли маҳсулотларнинг айрим турларини муқобил кимошли савдоси асосида хорижий компаниялар ҳамда фирмаларга эркин алмаштириладиган валютага кафолатланган ҳажмларда сотиш тартибини белгилайди, кимошли савдосини ўтказишнинг умумий тартибини ва унда қатнашиш шартларини тартибга солади, кимошли савдосини ўтказиш бўйича маҳсус орнанинг ваколатларини, ҳисоб-китобларни ўтказиш механизмини ва кимошли савдосида сотила-диган юқори ликвидли маҳсулотнинг олди-сотди шартномаларини расмийлаштириш тартиботларини белгилайди.

2. Кимошли савдоларига юқори ликвидли товарларнинг хорижий компаниялар ва фирмаларга эркин алмаштириладиган валютага олдиндан ҳақ тўлаш шартларида, ҳам етказиб бериш муддатини кечикирган ҳолда, ҳам тузилган контракт бўйича етказиб берган ҳолда, ушбу экспорт контрактларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида рўйхатдан ўтказмасдан сотишга мўлжалланган айрим турлари қўйилади.

3. Ким ошли савдосида сотила-диган юқори ликвидли маҳсулотларнинг аниқ турлари ва миқдори Ҳукумат карори билан ҳар йили товарлар (ишлар, хизматлар)-ни экспорт қилиш прогнозини тасдиқлаш чоғида, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банки ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги таклифлари асосида белгиланади.

4. Юқори ликвидли маҳсулотлар айрим турларининг кимошли савдоларини зарур даражада ташкил этиш ва назорат қилишни таъминлаш учун Бирлашган барқарорлаштириш жамғармасини бошқариш кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Марказий банки, Ташқи иқтисодий фаолият милллий банки ва «Ўзбекинвест» экспорт-импорт милллий суурита компанияси вакилларидан Юқори ликвидли маҳсулотлар айрим турларини сотиш бўйича ким ошли савдоларини ташкил этиш кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) тузилади, унинг шахсий таркиби Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланади.

Кенгаш юқори ликвидли маҳсулотларнинг белгиланган турлари бўйича уларнинг ҳар қайси ким ошли савдосига қўйиладиган аниқ миқдорларини ва лотларнинг бошланғич нархларини белгилайди, ушбу Низомга риоя этилиши, маҳсулот сотишдан тушган маблағларнинг Бирлашган барқарорлаштириш жамғармасига тўлиқ ва ўз вақтида ўтказилиши устидан назоратни амалга оширади.

5. Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг шўъба корхонаси — «Ўзаукционсавдо» (кейинги ўринларда «Агент» деб аталади) юқори ликвидли маҳсулотларнинг айрим турларини сотиш бўйича кимошли савдоларини ўтказувчи ихтинослаштирилган ташкилот ҳисобланади. Агент фаолияти устидан назоратни Кенгаш амалга оширади.

Кимошди савдолари Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг савдо майдончасида ўтказилади.

II. Агентнинг функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

6. Агентга қўйидаги функциялар юкланади:

кимошди савдосига қўйиладиган савдо лотлари хужжатларини қабул қилиб олиш ва текшириш;

кимошди савдосини ўтказиш учун зарур бўлган хужжатларни расмийлаштириш;

кимошди савдоси ўтказилиши тўғрисидаги хабарни чоп этиш;

кимошди савдоси қатнашчиларини кимошди савдоларига қўйиладиган товарлар турлари ва микдорлари тўғрисида хабардор қилиш;

кўйилаётган лотни идентификациялаш учун потенциал қатнашчиларга хужжатларни тақдим этиш;

кимошди савдоси қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш ва қатнашчиларга чип-талар бериш;

кимошди савдосини ташкил этиш;

кимошди савдосида қатнашиш шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

кимошди савдоси қатнашчиларини кимошди савдолари натижаларидан хабардор қилиш;

кимошди савдоларининг бориши ва натижалари тўғрисида протоколлар тузиш, кейинчалик уларни Кенгашга бериш;

кимошди савдолари ғолиблари билан олди-сотди шартномаларини расмийлаштириш ҳамда уларни божхона органида ва ваколатли банкда хисобга қўйиш;

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ бошқа функциялар.

7. Агент савдоларни ўтказиш жараёнига бевосита аралашиш, шу жумладан ушбу Низом бузилган, тил биритириш, форс-мажор ҳолатлар аниқланган ҳолларда лотни савдодан чиқариш, савдони тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

8. Факат битта қатнашчи рўйхатдан ўтказилган лот, қатнашчиларни хабардор қилган ҳолда, кимошди савдосидан чиқарилади ва ушбу лот бўйича Агент томонидан кимошди савдоси ўтказилмаганлиги тўғрисида протокол расмийлаштирилади.

III. Кимошди савдосини ўтказишга тайёргарлик

9. Агент Кенгаш қарори асосида республика ва, зарурат бўлганда, хорижий оммавий ахборот воситаларида кимошди савдоси ўтказилиши тўғрисида билдиришнома эълон қиласи ҳамда хабарномаларни кимошди савдоси ўтказиладиган санадан камида 30 кун олдин трейдер компанияларга жўнатади.

Товарни етказиб берувчи билан тузилган шартнома Агент томонидан кимошди савдосини ўтказиш учун асос ҳисобланади.

10. Билдиришнома ва хабарномада қўйидаги маълумотлар бўлиши керак:

кимошди савдосининг ўтказилиш вақти ва жойи;

кимошди савдоларига қўйиладиган товарлар номи ва микдор, кимошди савдосини ўтказиш, шу жумладан ғолибни аниқлаш тартиби;

кимошди савдосида қатнашиш учун тўлов микдори;

закалат суммаси ва у ўтказилиши керак бўлган хисоб раками;

етказиб бериш ва тўлов шартларига биноан бошлангич нарх;

етказиб бериш ва тўлов шартлари (товар турига кўра);
 етказиб бериш муддатлари;
 буюртманомаларни қабул қилиш тугайдиган муддат ва қатнашичи қатнашишни
 рад этган тақдирда берилган буюртманомани кайтариб олишнинг охирги муддати;
 низоларни ҳал қилиш тартиби;
 кимошди савдоси қатнашчиларига қўйиладиган талаблар;
 олди-сотди шартномаси шакли.

Кўрсатиб ўтилган шартлар Кенгаш томонидан белгиланади.

11. Кўрсатиб ўтилган маълумотларни тақдим этиш шакли, шартлари ва қўшимча
 маълумотлар рўйхати Агент томонидан белгиланади.

12. Билдиришнома эълон қилинган ёки хабарнома олинган вақтдан бошлаб Агент
 кимошди савдосининг барча қатнашчиларига қўйиладиган лотни идентификация
 қилиш учун хужжатларни тақдим этади.

Кимошди савдосининг потенциал қатнашчилари талабига кўра товарни етказиб
 берувчи ҳар қайси лот намунасини танишиш учун тақдим этади.
 Товарни етказиб берувчи кимошди савдосининг потенциал қатнашчиларига
 тақдим этиш учун маҳсулотни сотиш бўйича олди-сотди шартномаси шаклини Агентга
 тақдим этиши лозим.

Пахта толасини сотишида «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси нав-
 батдаги кимошди савдоси бошланишидан камида 15 календарь кун олдин маҳсулот-
 нинг сортлари, класслари, типлари, микдори, шунингдек унинг ишлаб чиқарувчи-
 лари тўғрисида Агентни ва «Ўзпахтасаноат» уюшмасини ёзма равища хабардор
 қиласи. Кўрсатиб ўтилган микдордаги сертификатланган маҳсулот савдо бошлани-
 шидан камида 10 календарь кун олдин минтақавий пахта терминалларига жўнати-
 лади. Бунда маҳсулотни терминалларга етказиши харажатлари «Пахтасаноат» худу-
 дий акциядорлик бирлашмасига юкланди. Агар кўрсатиб ўтилган микдордаги маҳсулот
 савдода сотилмаса, маҳсулот «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси
 билан келишган ҳолда ташки савдо компаниялари ва / ёки Ўзбекистон республика
 товар-хом ашё биржасининг контрактлари бўйича 20 кун мобайнida жўнатилади.

13. Кимошди савдосида қатнашганлик учун тўлов, қайтариб берилмаган зака-
 латлар ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар кимошди савдола-
 рини ташкил этиш учун молиявий маблағлар манбалари хисобланади.

IV. Кимошди савдосида қатнашиш шартлари

14. Агентга Агент томонидан белгиланган муддатда қўйидагиларни тақдим эт-
 ган хорижий компаниялар ва фирмалар кимошди савдосида қатнашиш хукуқига эга:
 кимошди савдосида қатнашиш учун буюртманома;

Агентнинг хисоб рақамига эркин алмаштириладиган валютада буюртманома
 тақдим этилаётган лот бошлангич қийматининг 0,1 фоизидан ортиқ бўлмаган микдор-
 да кимошди савдосида қатнашиш учун тўлов тўланганини тасдиқловчи тўлов хуж-
 жатининг нусхаси;

Агентнинг хисоб рақамига буюртманома тақдим этилаётган лотга қараб Кен-
 гаш томонидан белгиланган микдорда эркин валютада закалат тўланганигини
 тасдиқловчи тўлов хужжатининг нусхаси;

хорижий компания ёки фирма номидан савдода бевосита қатнашувчи вакилга
 берилган ишончнома.

15. Агент томонидан зарур хужжатларни қабул қилиш ва қатнашчиларни рўйхат-
 дан ўтказиши кимошди савдоси ўтказилишидан олдинги кунда соат 18-00 да тўхта-

тилади, қабул қилинган буюртманомалар эса савдо бошланишидан камида 3 соат олдин қайтариб олиниши мумкин.

16. Кимошди савдосида қатнашишга қўйилган хорижий компаниялар ва фирмаларга қатнашчининг тартиб раками ёзилган кимошди савдоси қатнашчисининг чиптаси берилади.

17. Агар буюртманома берган хорижий компания ёки фирма мазкур Низомнинг 14-бандида белгиланган талабларни бажармаган бўлса, унинг кимошди савдосида қатнашиши рад этилиши мумкин.

18. Кимошди савдосида қатнашиш учун буюртманома берган хорижий компаниялар ва фирмалар тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилмайди.

V. Кимошди савдосини ўтказиш тартиби

19. Кимошди савдоларини ўтказиш мақсадида Агент аукциончини тайинлайди, аукциончи Агентнинг ўз ходими ҳам, контракт асосида жалб этилган шахс ҳам бўлиши мумкин.

20. Агент ва аукциончи ўзлари ташкил этган кимошди савдосида қатнашчиларнинг манфаатларини ифодалаш хукуқига эга эмаслар.

21. Кимошди савдосини ўтказиш тартиботи қўйидагиларни назарда тутади: аукциончи кимошди савдоси бошлангунга қадар сотилаётган лотнинг тартиб ракамини эълон қиласди, кимошди савдосига қўйилган товарни ва савдо шартларини тавсифлаб беради;

аукциончи тегишли лот бўйича кимошди савдосида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказилган қатнашчиларнинг рўйхатдан ўтиш тартиб ракамини эълон қиласди. Аукциончи томонидан тартиб раками эълон қилинган иштирокчи кимошди савдосида қатнашётганлигини тасдиқлаб қатнашчи карточкасини қўтариши лозим;

аукциончи лотнинг бошланғич баҳосини ва кимошди савдосининг қадамини эълон қилган вақт кимошди савдоси бошланган вақт хисобланади. Кимошди савдоси қадамлари тўғрисидаги қарор аукциончи томонидан ҳар бир лот учун алоҳида қабул қилинади. Зарурят бўлганда аукциончи кимошди савдоси давомида қадамни ўзгартириши мумкин;

бошланғич баҳо эълон қилингандан кейин аукциончи таклифларни кутади, агар қатнашчи қатнашчи карточкасини қўтарса — бу унинг товарни бошланғич баҳода сотиб олишга тайёрлигини билдиради;

юқорироқ баҳони таклиф этмоқчи бўлган қатнашчи ўзининг қатнашчи карточкасини қўтаради, бу белгиланган қадам бўйича баҳони оширишга доир таклиф хисобланади. Аукциончи биринчи бўлиб юқорироқ баҳони таклиф этган иштирокчуни эълон қиласди экан таклиф этилган баҳо ва мазкур қатнашчининг тартиб ракамини эълон қиласди. Агар аукциончи таклиф этган баҳони уч марта эълон қилганидан кейин қатнашчилардан ҳеч ким юқорироқ баҳо таклиф этмаса, аукциончи болгачанинг учинчи зарби билан айни бир вақтда лотнинг мазкур баҳони таклиф этган қатнашчига сотилганлигини эълон қиласди. Шундан сўнг мазкур лотга доир кимошди савдоси ёпилган хисобланади.

22. Лотнинг бошланғич баҳоси эълон қилингандан кейин уни харид қилишни хоҳловчилар бўлмаса лот кимошди савдосидан чиқарилади.

23. Кимошди савдоси ғолиби (кейинги ўринларда харидор деб аталади) ва Агент кимошди савдоси натижалари тўғрисидаги икки нусхадаги протоколни савдо ўтказилган кунда имзолайдилар, унинг бир нусхаси харидорга берилади ва кейинчалик товарни етказиб берувчи — контракт эгаси билан олди-сотди шартномасини тузиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Протоколда етказиб берувчи ва харидор тўғрисидаги маълумотлар, товарнинг номи, товарнинг узил-кесил баҳоси кўрсатилади.

Харидор кимошди савдоси натижалари тўғрисидаги протоколни имзолашдан бош тортган тақдирда, Агент кимошди савдоси натижаларини бекор қиласи. Бунда ютиб олинган лот (лотлар)нинг эълон қилинган қийматига мутаносиб закалат суммаси қайтарилилади.

24. Агар лот бўйича кимошди савдоси лотнинг кимошди савдосидан чиқарилганлиги ёхуд бошқа сабабларга кўра ўтказилмаган деб эълон қилинган бўлса ўтказилмаган кимошди савдосининг протоколи тузилади.

VI. Шартномани расмийлаштириш ва кимошди савдоси натижалари билан ҳисоб-китоб қилиш

25. Олди-сотди шартномаси товарни етказиб берувчи — контракт эгаси ва харидор ўртасида кимошди савдоси натижалари тўғрисидаги протокол асосида ва Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ, кимошди савдоси тугаган ва протокол расмийлаштирилгандан кейин икки ҳафтадан кечикмай тузилади.

Агар харидор белгиланган муддатда олди-сотди шартномасини имзоламаса, савдо натижалари Агент томонидан бекор қилиниши мумкин. Бунда харидор томонидан ютиб олинган, рад этилган лот (лотлар)нинг эълон қилинган қийматига мутаносиб закалат суммаси қайтарилилади.

Томонлардан бири шартнома тузишдан бош тортган тақдирда иккинчи томон шартномани тузишга мажбур қилиш, шунингдек шартнома тузишдан бўйин товлаш туфайли етказилган зарар тўғрисидаги талабнома билан судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Пахта толасини сотища олди-сотди шартномаси ихтисослаштирилган ташки савдо компанияси (кейинги ўринларда экспорт қилувчи деб аталади) ва харидор ўртасида тузилади. Экспорт қилувчи ва етказиб берувчи минтақавий пахта терминаллари билан маҳсулотни қабул қилиб олиш ва кейинчалик экспортга жўнатиш тўғрисида зарур шартномалар тузадилар. Экспорт қилувчи минтақавий пахта терминалларига ўз вактида экспорт билдиришномалари тақдим этилишини таъминлайди.

26. Харидор билан шартнома тузиш чоғида у тўлаган закалат суммаси тузилган шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши сифатида ҳисобга олинади. Кимошди савдосининг қолган барча иштирокчиларига закалат суммаси кимошди савдоси натижалари эълон қилинган вақтдан эътиборан 3 иш куни мобайнода қайтариб берилади.

27. Олди-сотди шартномасида қўйидагилар кўрсатилади:

- сотилган товарнинг номи;
- сотилган товарнинг баҳоси ва миқдори;
- товарни етказиб берувчи ва харидор тўғрисидаги маълумотлар;
- товарни етказиб бериш шартлари;
- тўлов шакли ва муддатлари;
- томонлар масъулиятигининг юзага келиш шартлари ва доираси;
- Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ шартноманинг бошқа шартлари.

Савдо натижаларига кўра тузилган олди-сотди шартномаси товарни етказиб берувчига хизмат кўрсатувчи ваколатли банкда ҳамда божхона органида белгиланган тартибда ҳисобга қўйилиши керак.

28. Кимошди савдоси натижалари бўйича тузилган олди-сотди шартномаси: юқори ликвидли маҳсулотни олдиндан тўлов асосида маҳсулот етказиб бериш муддатини кейинга суриш, шунингдек олди-сотди шартномаси тузилганилиги факти бўйича етказиб бериш шартларида сотишни;

кимошди савдоси шартларидан фарқ қилувчи маҳсулот етказиб беришга доир қўшимча шартларни назарда тутиши мумкин.

Ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотнома товарни етказиб берувчига хизмат кўрсатувчи ваколатли банк томонидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкинг билдиришномаси асосида закалат суммасини ҳисобга олган ҳолда расмийлаштирилади.

29. Харидор олди-сотди шартномасига мувофиқ тўловларни шартнома имзолангандан эътиборан 20 иш кунидан кечиктирмай амалга ошириши шарт.

30. Агар харидор олди-сотди шартномасига мувофиқ белгилангандан муддатда хисоб-китоб килмаса, Агент кимошди савдолари натижаларини бекор қилиш ҳамда товарни етказиб берувчи билан келишган ҳолда сотилмаган микдордаги товарни келгуси савдоларга кўйиш ҳуқуқига эга.

Ушбу ҳолларда Агент:

харидор томонидан ютиб олинган лот (лотлар)нинг протоколда кўрсатилган эълон қилинган қийматига мутаносиб ҳолда хисоблаб чиқилган закалатни ўз фойдасига олиб қолади;

Кенгаш қарорига кўра харидорни Агент томонидан ўтказиладиган бошқа савдоларда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум қилиши мумкин.

31. Кимошди савдосида сотилмай қолган лотлар кейинги кимошди савдоларига (шу жумладан охирги кимошди савдосида эълон қилинганидан бошқа баҳолар бўйича) кўйилиши мумкин.

32. Кимошди савдосини ўтказиш жараёнида пайдо бўлган эътиrozлар кимошди савдоси ёпилгунга қадар Агент томонидан кўриб чиқилади. Агентнинг қарорлари юзасидан ваколатли органларга ёки суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

33. Кимошди савдоси натижаларига оид тўлиқ маълумотлар мавжуд бўлган ҳисобот кимошди савдоси ўтказилгандан кейин икки кун муддатда Кенгашга киритилади.

VII. Юқори ликвидли товарлар кимошди савдоларида сотилганилиги учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби

34. Савдо натижалари тўғрисидаги протокол асосида тузилган олди-сотди шартномасида сотиб олинадиган товар учун маблағлар Агентнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкинг Операциялар бошқармасида очилган маҳсус транзит валюта ҳисоб рақамига ёки Агентнинг товар етказиб берувчи ёхуд экспорт қилувчининг ваколатли банкида очилган иккиласми валюта ҳисоб рақамига тушиши назарда тутилиши керак.

35. Агент валюта тушумини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига, уни Бирлашган барқарорлаштириш жамғармасига мақсадли йўналтирган ҳолда, мажбурий тартибда сотади.

Бунда:

пахта толасини сотишда Агент валюта тушумининг ҳаммасини мажбурий тартибда сотади. Бунда Агент мажбурий тартибда сотишни валюта тушуми суммасининг 10 фоизгачасини чегирган ҳолда амалга оширишга ҳақли, уни олди-сотди шартномаси бўйича узил-кесил ўзаро ҳисоб-китоб қилингандан кейин сотади;

марказлаштирилмаган экспорт номенклатураси ва ҳажмларидан ажратилган товарларни сотишида Агент валюта тушумини 50 фоиз микдорида мажбурий тартибда сотади, валюта тушумининг қолган қисмини эса товар етказиб берувчининг ҳисоб ракамига ўтказади. Бунда валюта тушумининг сотилган қисми товар етказиб берувчининг мажбурий тартибда сотиши сифатида ҳисобга олинади.

Агентнинг валютанинг бир қисмини мажбурий тартибда сотиши белгиланган тартибда амалга оширилади.

36. Агентга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан миллий валютада тушган тушум тузилган олди-сотди шартномасига мувофиқ товар етказиб берувчи ҳисобига ёки пахта толаси экспорт қилинганда — экспорт қилувчи ҳисобига (Агентнинг Кенгаш томонидан белгиланган воситачилик ҳақи чегирилган ҳолда) ўтказилилади.

Пахта толаси экспорт қилинганда экспорт қилувчи ҳисобига тушган миллий валютадаги маблағлар, пахта толасини экспорт қилиш сарф-харажатларнинг чекланган микдорлари билан белгиланган харажатларни, шу жумладан экспорт қилувчининг 1,5 фоиз микдоридаги воситачилик ҳақини чегирган ҳолда, товар етказиб берувчи ҳисобига ўтказилади.

VIII. Кимошди савдосида битишувларни амалга ошириша томонларнинг жавобгарлиги

37. Товарни етказиб берувчи Агентга, улар асосида Агент савдо ўтказадиган бошлангич баҳолар, етказиб бериш шартлари ва муддатлари, тўлов шартлари ва бошка шартлар бўйича ёзма ахборот берилиши учун жавоб беради.

Товарни олди-сотди шартномасида назарда тутилган микдорда, номенклатурада, сифат ва муддатларда етказиб бериш бўйича жавобгарлик товар етказиб берувчининг зиммасига юкланди.

38. Агент ва кимошди савдоси иштирокчиларининг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда белгиланаади.

39. Агар савдода қатнашиш учун тўлов тўлангандан кейин Агент томонидан кимошди савдосини ўтказиш рад этилган ёки қатнашчи томонидан берилган буюртманома қайтариб олишнинг сўнгги муддати тугагунга қадар қайтариб олинган бўлса, Агент ўзи таклиф этган иштирокчилар томонидан тўланган тўловларни З иш кун мобайнида уларга қайтаради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 22 апрелдаги 193-сон қарорига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорлариға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чоратадибрлари тўғрисида» 2001 йил 22 июнданги 263-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 6-сон, 30-модда) 6-бандининг иккинчи—бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Белгилаб қўйилсинки, юқори ликвидли маҳсулотларни кўрсатиб ўтилган шарт-

ларда сотишдан тушган валюта тушуми белгиланган тартибда Бирлашган барқарорлаштириш жамғармасига мақсадли йўналтирилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мажбурий сотилади. Бунда валюта тушуми:

пахта толаси сотилган тақдирда — 100 фоиз миқдорида;

марказлаштирилмаган экспорт номенклатураси ва ҳажмларидан ажратилган товарлар сотилган тақдирда — 50 фоиз миқдорида мажбурий сотилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозори фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 10 июлдаги 294-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 7-сон, 38-модда) 1-иловада:

4-банднинг тўртинчи хатбошидаги «кафолатли» сўзидан кейин «ҳамда белгиланган экспорт прогнозидан ортиқча» сўзлари қўшилсин;

7-банднинг «б» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«б) Ихтисослаштирилган «Ўзаукционсавдо» ташкилотидан маҳсулотларни кимошди савдолари асосида хорижий компаниялар ва фирмаларга сотишдан олинган валюта тушумини маблағларнинг тушишига қараб:

пахта толаси сотилган тақдирда — 100 фоиз миқдорида;

марказлаштирилмаган экспорт номенклатураси ва ҳажмларидан ажратилган товарлар сотилган тақдирда — 50 фоиз миқдорида сотиб олади».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Юқори ликвидли маҳсулотларни кимошди савдосида сотишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 12 июлдаги 298-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 7-сон, 40-модда):

4-бандга қўйидаги таҳрирдаги хатбоши қўшилсин:

«Ўзаукционсавдо» шўъба корхонаси директорига, зарур ҳолларда, ихтисослаштирилган «Ўзаукционсавдо» ташкилотининг ходимлари сонига Юқори ликвидли маҳсулотларнинг айрим турларини сотиш бўйича кимошди савдоларини ташкил этиш кенгashi билан келишган ҳолда ўзгартиришлар киритиш хукуки берилсин»;

5-банд ва қарорга 2-3-иловалар ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

188 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органдарни тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси карор қиласди:

1. Ўзбекистонда фаолият кўрсатадиган диний ташкилотларнинг Дин ишлари бўйича қўмита хузурида 1-иловага* мувофиқ таркибда Конфессиялар ишлари жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

* 1-илова берилмайди.

Конфесиялар ишлари кенгаши фаолиятини ташкил этишни таъминлаш учун 3 кишидан иборат Кенгаш котибияти ташкил этилсан.

2. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита тўғрисидаги низом З-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ходимларининг чекланган умумий сони 38 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 28 нафар этиб белгилсан.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раисига, зарурият бўлганда, Қўмита тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуки берилсан.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини ташкил этиш масалалари» тўғрисида 1992 йил 2 апрелдаги 159-сон қарори, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг низоми ҳамда унинг тизимиға кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 1995 йил 27 январдаги 23-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 23 декабрдаги 542-сон қарорининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.


5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 23 апрель,
196-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 23 апрелдаги 196-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари
бўйича қўмита аппарати тузилмаси**



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 38 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 28 киши

Вазирлар Мажкамасининг
2004 йил 23 апрелдаги 196-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмита тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита (кейинги ўринларда матнда Қўмита деб аталади) ҳар бир шахснинг виждан ва диний эътиқод эркинлиги ҳукуки, фуқароларнинг динга бўлган муносабатидан катъи назар тенглигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги вазифаларни ҳал этиш ваколати берилган давлат бошқаруви органи хисобланади.

Кўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасига ҳисоб беради.

2. Қўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонуларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қиласди.

3. Қўмита ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

4. Қўмита фаолиятини молиялаштириш Қўмитага ажратиладиган маблағлар доирасида давлат бюджети маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

5. Қўмита юридик шахс хисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

II. Қўмитанинг вазифалари ва функциялари

6. Қўйидагилар Қўмитанинг асосий вазифалари хисобланади:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ диний масалаларни ҳал қилишда ягона сиёсатни амалга ошириш;

давлат органларининг республика худудида жойлашган диний ташкилотлар билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини таъминлаш;

давлат сиёсатида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган диний ташкилотлар манфаатларини акс эттириш.

7. Қўмита унга юклangan вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

давлат органларининг диний ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини мувофиқлаштиради ҳамда виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни амалга оширади;

диний ташкилотлар, шунингдек хорижий диний ташкилотлар билан ўзаро муносабатларга доир диний масалалар бўйича ишларни олиб боради;

диний ташкилотлар илтимосига кўра уларнинг давлат органлари билан ўзаро алоқаларига кўмаклашади ва ҳал этилиши талаб қилинадиган масалалар бўйича зарур ёрдам кўрсатади;

диний ташкилотлар ва уларнинг аъзолари ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниши ва сабр-тоқатлиликни мустаҳкамлаш сиёсатини ўтказади, ушбу борада ташкилотчилик ишларини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг топшириғига кўра виждан эркинлиги-га ва диний ташкилотлар фаолиятига тааллуқли норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиша қатнашади;

диний таълим муассасалари фаолияти белгиланган тартибда лицензияланиши, лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни ташкил қиласди, лицензиялар реестрини юритади;

республика доирасида ва чет элларда диний ташкилотлар ўртасида алоқалар ўрнатилишини ташкил қиласди;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мамлакат ташқарисидаги муқаддас жойларга боришини, шу жумладан Ҳаж ва Умра зиёратини амалга оширишини, фуқароларни диний ўкув юртларида таълим олиш, малака ошириш ва тажриба алмашиш учун чет элларга юборишни, хорижий фуқароларни ўқишига қабул қилишни, ҳалқаро анжуманлар ўтказилишини ташкил қиласди;

диний ташкилотлар ва Ўзбекистон Республикасида диний адабиётлар нашр қилувчи нашриётлар тўғрисидаги ахборотларни йигишни таъминлайди;

республикада чиқариладиган ёки чет эллардан келтириладиган диний тусдаги маҳсулотларни (матбуот ва электрон нашрларни, аудио, видео кассеталарни, CD, DVD ва бошқа дискларни) экспертизадан ўтказади ва мазкур фаолиятни мувофиқлаштиради.

8. Қўмита ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита ҳал қиласди.

9. Республикада жойлашган диний ташкилотлар билан мустаҳкам ўзаро ҳамкорлик қилиш, турли диний конфесиялар фаолияти амалга оширилишида ёрдам кўрсатиш, жамиятда динлароро ва миллатлароро тинчлик ва тотувликни таъминлаш юзасидан таклифлар ва чора-тадбирларни биргаликда ишлаб чиқиш, конфесиялароро мулокот маданиятини ривожлантириш учун Қўмита ҳузурида Конфесиялар ишлари жамоатчилик кенгаси ташкил этилади, унинг таркибига республикадаги кўп сонли диний конфесиялар етакчилари киради.

Конфесиялар ишлари кенгаси фаолияти ташкил этилишини таъминлаш учун 3 кишидан иборат доимий ишловчи Кенгаш котибияти ташкил этилган.

III. Қўмитанинг хуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Қўмита ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун кўйидаги хуқуқларга эга:

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралардан, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг ҳамда динга тааллуқли бошқа қонун ҳужжатларининг ижроси масалаларига доир маълумотлар ва материалларини сўраш ва олиш;

ўз ваколатлари доирасида диний ташкилотларнинг, шу жумладан диний ўкув юртларининг фаолиятини, уларнинг ўкув жараёни ва дастурларини, ўқув-тарбиявий ишларини, фанлар бўйича ўкув режаларини, диний мавзудаги илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш, уларга ушбу фаолиятни амалга оширишда ташкилий, хукуқий, методик ёрдам кўрсатиш;

диний ташкилотлар раҳбарларидан зарур ахборотларни белгиланган тартибда талаб қилиш, шунингдек улар томонидан ўтказиладиган уларнинг ўз фаолияти билан боғлиқ тадбирларда қатнашиш.

Қўмита Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Қўмита ўз ваколатлари доирасида белгиланган тартибда вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бажариши мажбурий бўлган норматив-ҳукукий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақлидир.

Қўмита, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ҳамда бошқа ҳужжатлар чиқаришга ҳақлидир.

12. Қўмита ўзига юклangan вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

IV. Қўмита фаолиятини ташкил этиш

13. Қўмитага қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган раис бошлиқ қиласди.

Раиснинг бир нафар ўринbosари бўлади.

Раис мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси вазирининг биринчи ўринbosарига, унинг ўринbosари эса — тегишли равишда вазир ўринbosарига тенглаштирилади.

14. Раис:

Қўмита фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ва Қўмитага юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ўринbosари ваколатларини белгилайди, Қўмита тизимининг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилайди;

Қўмита тузилмасига ўзгартиришлар киритади, ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида штат жадвалини, шунингдек харажатлар сметасини тасдиқлади;

Қўмита ходимларини лавозимга тайинлади ва лавозимдан озод қиласди.

Раис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. Қўмитада 5 киши — Раис (Ҳайъат раиси), Раис ўринbosари (лавозимига кўра) ва Қўмитанинг бошқа раҳбар ходимларидан иборат таркибида Ҳайъат ташкил этилади.

Ҳайъатнинг шахсий таркиби Раиснинг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Қўмита ҳайъати Қўмита фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, таркибий бўлинмалар раҳбарлари ҳисоботларини эшитади, Қўмитанинг мухим буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қиласди.

Ҳайъат қарорлари Раиснинг буйруқлари билан ҳаётга татбик этилади.

16. Қўмитани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

189 Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чоратадбирлари тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 декабрдаги 547-сон қарори билан тасдиқланган 2004 йил учун макроиктисодий сиёсатни амалга оширишнинг асосий чоратадбирлари дастурига мувофиқ, молия интизомини мустаҳкамлаш, кредит операциялари бўйича таваккалчиликларни камайтириш мақсадида ва потенциал қарз олувчиларни ахборот билан таъминлашнинг халқаро тажрибасидан келиб чиқиб Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахбороти миллий институтини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсан:

Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахбороти миллий институтининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тижорат банклари ва уларнинг қарз олувчилари кредит операциялари, қарз олувчиларнинг мажбуриятларини таъминлаш турлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, тегишли маълумотлар базасини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банк назорати функцияларини амалга ошириш, кредит сиёсатидаги ўзгаришларни ва тижорат банкларининг кредит портфели ҳолатини таҳлил этиш мақсадида кредит ахборотининг ягона реестрини юритиш;

шартнома асосида тижорат банкларига ва кредит-ахборот бюроларига кредит ахбороти бериш.

2. Ўзбекистон Банклари уюшмаси, «Асака» банки, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Пахта-банк», «Фалла-банк» ва «Алоқа-банк»нинг Ўзбекистон Банклари уюшмасининг «Кредит-ахборот бюроси» шўъба корхонасини юридик шахс хукуқига эга бўлган ташкилот — Банклараро кредит бюросига айлантириш тўғрисидаги таклифи маъкуллансан:

3. Қўйидагилар Банклараро кредит бюроси фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсан:

тижорат банкларининг қарз олувчилари — жисмоний ва юридик шахслар тўғрисида уларнинг кредит тарихини шакллантириш учун зарур бўлган маълумотлар базасини шакллантириш ва ахборотларни таҳлил қилиш;

реал сектор корхоналари фаолиятини таҳлил этиш ва қарз олувчиларни рейтинг баҳолаш тизимини шакллантириш;

шартнома асосида банкларга ва бошқа кредит ташкилотларига, шунингдек қарз олувчиларнинг ўзига уларнинг сўровномалари бўйича қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги маълумотларни бериш.

4. Белгилаб қўйилсанки, қўйидагилар Кредит ахбороти миллий инститuti va Банклараро кредит бюросининг маълумотлар базасини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

конун хужжатларида назарда тутилган тартибда тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тақдим этиладиган олинган кредитлар шартлари, тузилган лизинг ва факторинг шартномалари, гаровга қўйилган мол-мулк

ва тижорат банклари олдиғаги мажбуриятларни таъминлаш учун берилған кафолаттар (кафилик) тұғрисидаги ахборотлар;

банклар билан уларнинг мижозлари ўртасидаги тегишли шартномаларда назарда тутилған тартибда тижорат банклари томонидан Банклараро кредит бюросига тақдим этиладиган маълумотлар;

банкдан олинган кредитларни ўз вактида қайташ юзасидан ўз мажбуриятларини бажармаган қарз олувчилар тұғрисидаги «Банклар ва банк фаолияти тұғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 35-моддасига мувофиқ тижорат банклари томонидан ошкор қилинадиган ахборотлар;

Кредит ахбороти миллий институти ва Банклараро кредит бюроси томонидан давлат статистика ва иқтисодиёт органларидан, нодавлат ташкилотлар ва хўжалик юритувчи субъектлардан қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа асослар бўйича олинган маълумотлар.

5. Белгилансинки:

Кредит ахбороти миллий институти ва Банклараро кредит бюросининг маълумотлар базасидан мазкур қарорда назарда тутилмаган бошқа шахсларга маълумотлар берилишига йўл қўйилмайди;

потенциал қарз олувчиларнинг кредит тарихи тұғрисида ахборот оладиган тижорат банклари қонун хужжатларида белгиланған талабларга мувофиқ унинг ҳимоя қилиниши ва сақланишини таъминлашлари зарур.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига бир ой муддатда:

Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда Банклараро кредит бюросига ва тижорат банкларига кредит ахбороти тақдим этиш тартиби тұғрисидаги низомни;

Ўзбекистон Банклар уюшмаси билан биргаликда Банклараро кредит бюроси ва тижорат банклари ўртасида маълумотлар айирбошланишини тартибга солувчи норматив ҳужжатни ҳамда кредит тарихи тұғрисидаги ахборотни тақдим этиш тартибини ишлаб чиқиши ва белгиланған тартибда тасдиқлаш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 23 апрель,
197-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

190 Аудиторлик малакавий сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
19 апрелда 977-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 29 апрелдан кучга киради)

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 25 сентябрда 68-сон билан тасдиқланган «Аудиторлик малакавий сертификатини бериш тартиби тўғрисида»ги низомга (2000 йил 13 октябрь, рўйхат рақами 977-сон — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2000 й., 19-сон) ўзгартириш ва қўшимчалар иловага* мувофиқ киритилсин.

2. Мазкур бўйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 26 февраль,
34-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙӢ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИННИГ
ҚАРОРИ

191 Радиация натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган касалликлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
19 апрелда 1340-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 29 апрелдан кучга киради)

Радиациядан зарар кўрган фуқароларга тиббий ёрдамни ташкил этиш ва улардаги ривожланган касалликларни радиацияга боғликлигини аниқлаш масалаларини та-комиллаштиришда, Халқаро қўмиталарнинг, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларидаги ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги бир қатор илмий ташкилотларнинг тадқиқотларига асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Мехнат ва аҳолини ижтимоӣ муҳофаза қилиш вазирлиги **қарор қиласи**:

1. Радиация натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган касалликлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 кундан кейин кучга киритилсин.

Соғлиқни сақлаш вазири Ф. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 27 февраль,
4-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоӣ муҳофаза қилиш
вазири О. ОБИДОВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 27 февраль,
75-сон

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоӣ муҳофаза қилиш вазирлигининг 2004 йил 27 февраль 4-сон, 75-сонли қарорига
ИЛОВА

Радиация натижасида келиб чиқадиган касалликлар рўйхати

1. Турли даражадаги ўткир ва сурункали нур хасталиги.
2. Хавфли ўсма касалликларнинг (саратон) барча турлари.
3. Лейкоз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

192 Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
20 апрелда 992-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 30 апрелдан кучга киради)

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 3, 7, 17 ва 51-моддаларига асосан тижорат банкларидағи ички назорат тизимини Базел қўмитасининг тавсиялари ва аудитнинг халқаро андозаларига мувофиқлаштириш хамда ички назоратга қўйиладиган талабларни янада такомиллаштириш мақсадида Марказий банк Бошқаруви қарор қилади:

1. «Тижорат банклариниг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги низомга (2000 йил 22 декабрь, рўйхат раками 992-сон) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин ва унинг янги таҳрири иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг ўн кун ўтгач кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 13 март,
6 / 12-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

193 Жисмоний шахслар томонидан нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартишлар киритиш хақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
21 апрелда 716-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 1 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Конунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган «Жисмоний шахслар томонидан нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага (1999 йил 7 май, рўйхат рақами 716-сон — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси 1999 й., 7-сон) иловага* мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 24 марта,
126-B-3-сон

Давлат божхона қўмитаси раиси Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 24 марта,
01-02/12-18-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ
БЎЙИЧА ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ЁНФИН
ХАВФСИЗЛИГИ БОШ БОШҚАРМАСИ
ҚАРОРИ

194 Энергетик корхоналар учун ёнгин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
22 апрелда 1341-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 2 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси Низомига мувофиқ **карор қиламиз**:

1. Илова* қилинаётган «Энергетик корхоналар учун ёнгин хавфсизлиги қоидалари» тасдиқлансин.
2. Ушбу карор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олингандан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

«Ўздавенергоназорат» инспекцияси бошлиғи Б. ТЕШАБОЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 12 март,
107-сон

**Ички ишлар вазирлиги ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси
бошлиғи А. ҚўЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 12 март,
29/9-120-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

**195 Т-6 шаклидаги божхона декларациясини тўлдириш
ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқно-
мани тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
23 апрелда 1342-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 3 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Конунининг 6-моддасига ва Божхона кодексининг 90-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1998 йил № 2, 36-модда) мувофиқ, Давлат божхона қўмитаси қарор қиласди:

1. Т-6 шаклидаги божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага* мувофиқ тасдиқлансан.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсан.
3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосари С. Насиров зиммасига юклансин.

Давлат божхна қўмитаси раиси Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 24 март,
01-02/12-19-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

**Ўзбекистон Республикаси
 Адлия вазирлиги маълум қилади:
 вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
 умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
 рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
 2004 йил 17 апрелдан 23 апрелгача бўлган маълумот**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Аудиторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 26 февралдаги 34-сон буйруги.

2004 йил 19 апрелда 977-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 29 апрелдан кучга киради).

2. «Радиация натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган касалликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Соглиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиши вазирлигининг 2004 йил 27 февралдаги 4, 75-сон қарори.

2004 йил 19 апрелда 1340-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 29 апрелдан кучга киради).

3. «Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2004 йил 13 марта даги 6/12-сон буйруги.

2004 йил 20 апрелда 992-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 30 апрелдан кучга киради).

4. «Жисмоний шахслар томонидан нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 24 марта даги 126-В-3, 01-02/12-18-сон қарори.

2004 йил 21 апрелда 716-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 1 майдан кучга киради).

5. «Энергетик корхоналар учун ёнгин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармасининг 2004 йил 12 марта даги 107, 29/9-120-сон қарори.

2004 йил 22 апрелда 1341-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 2 майдан кучга киради).

6. «Т-6 шаклидаги божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 24 марта даги 01-02/12-19-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

2004 йил 23 апрелда 1342-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 3 майдан кучга киради).

II. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. «Қаттиқ майший-рўзгор чиқиндилари учун полигонларни лойиҳалаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида» «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директорининг буйруғи.

Мазкур ҳужжат Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда техник ҳужжат деб топилди. У белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.